

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИЎЗБЕКИСТОН ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ
ТЎҒРИСИДА

Юртимиз азалдан ислом илм-фани ва маданиятининг қадимий бешикларидан бири ҳисобланади. Имом Бухорий, Бурхониддин Марғинойий, Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Махмуд Замахшарий, Қафғол Шоший, Бахоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва бошқа кўплаб алломалар номи нафақат ислом, айна вақтда жаҳон цивилизацияси тарихида ҳақли равишда олтин ҳарфлар билан битилган.

Мустиқиллик шарофати ўлароқ диний ва миллий қадриятларимиз тўлалигича тикланди, улуг аждодларимизнинг хотираларига муносиб эҳтиром кўрсатилди, улар қолдирган диний-илмий ва маънавий-маърифий меросни ўрганиш учун имкониятлар яратилди.

Ўзбекистонда диний таълим тизими ўзининг кўп асрлик ва бой анъаналарига эга. Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент мадрасалари ўрта асрларнинг университетлари вазифасини бажарган. Ўрта асрлардаёқ Бухоро ўзининг мадрасалари ва уламолари билан шуҳрат қозонган ва ҳақли равишда «Ислом оламининг қуввати» унвонига сазовор бўлган.

Муслмон ренессанси, яъни илмий-маърифий ўйғониш даврига асос солган улуг аждодларимиз томонидан яратилган ва бугунги кунда ҳам маърифатли дунёни ҳайратга солиб келаётган илмий меросни ўрганиш, илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш, улар яратган илмий йўналишлар ва мактаблар анъаналарини давом эттириш бугунги авлод олдида турган долзарб вазифалар сирасига киради.

Айни пайтда шиддат билан ўзгариб бораётган замон муқаддас ислом дини аҳкомларини нотўғри талқин қилиш, уларни сохталаштириш йўли билан турли фитна ва бузғунчиликлар содир этилаётгани динимизнинг софлигини сақлаш, унинг тинчлик ва инсонпарварликдан иборат асл моҳиятини жамият аъзолари ва, айниқса, ёшларга етказишга қодир, юқори даражада илмий ва диний салоҳиятга эга мутахассисларни тайёрлашни тақозо қилмоқда.

Республикада фаолият олиб бораётган олий ва ўрта махсус диний таълим муассасаларини юқори малакали илмий кадрлар билан таъминлаш, тайёрланаётган мутахассисларнинг илмий ва касбий салоҳиятини ошириш, қуръоншунослик, тафсир ва фикҳ, ҳадисшунослик, калом илми йўналишлари бўйича магистрларни, етук илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлашни йўлга қўйиш мақсадида:

1. Ўзбекистон муслмонлари идораси, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ва Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институтининг Ўзбекистон Ислом академиясини (кейинги ўринларда Академия деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилансинки, Академия Ўзбекистон муслмонлари идораси муассислигидаги диний ва дунёвий таълим берувчи нодавлат таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Ислом академиясининг тузилмаси иловага мувофиқ маъқуллансин.

Академия ректори, зарур ҳолларда, муассис томонидан белгиланган ҳодимларнинг умумий сони доирасида Академиянинг тузилмасига ўзгаришлар киритиш ҳуқуқига эга эканлиги қайд этилсин.

3. Қўйидагилар Академиянинг асосий вазифалари этиб белгиланиши инobatга олинсин:

«Қуръоншунослик», «Фикҳ илми», «Ҳадисшунослик» ва «Калом илми» мутахассислиги бўйича магистрларни, шунингдек, ушбу соҳада чуқур тадқиқотлар олиб боровчи илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш;

ислом динининг, Қуръони карим ва ҳадис илмининг асл моҳиятини, фикҳ, ҳадисшунослик мактабининг илмий-маънавий асосларини ҳар томонлама теран ўрганиш ва тадқиқ қилиш;

ислом динининг асл моҳиятини, унинг башариятни эзгуликка элтувчи дин эканлигини илмий асосланган ҳолда теран ўрганиш ҳамда тарғиб этиш;

ислом дини соҳасидаги долзарб мавзулар бўйича халқаро илмий-амалий анжуманларда иштирок этиш;

мамлакатимизда фаолият олиб бораётган ва хорижий олий диний таълим муассасалари ҳамда бошқа ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш;

кадрлар тайёрлаш жараёнига етук мутахассислар ва ўқитувчиларни жалб қилиш орқали илм-фан ва таълимнинг ўзaro интеграциясини чуқурлаштириш;

илмий тадқиқотлар натижалари бўйича диний-маърифий, маънавий-ахлоқий йўналишлардаги илмий-оммабоп адабиётларни тайёрлаш ва нашр қилиш;

ислом оламида юзага келаётган долзарб масалаларга оид илмий-амалий анжуманлар ўтказиш;

илмий тадқиқотларнинг йўналишлари ва мавзуларини белгилаш, халқаро тадбирларда иштирок этиш, илмий-амалий анжуманлар ташкил қилиш, илмий меросни ўрганиш ишларида Ўзбекистондаги Ислом

цивилизацияси маркази билан ҳамкорлик қилиш.

4. Ўзбекистон муслмонлари идорасининг таклифига мувофиқ қўйидагилар:

Академия магистратурасига (кейинги ўринларда магистратура деб аталади) олий таълим муассасаларининг камида бакалавр даражаси дипломига эга бўлган, Академияда тайёрланадиган мутахассисликлар ихтисослигига мос келадиган йўналишларни битирган Ўзбекистон ва хорижий давлатлар фуқаролари қабул қилиниши;

2018/2019 ўқув йилида ва кейинги йилларда магистратурага қабул қилиш Республика олий таълим муассасаларининг магистратурасига ўқишга қабул қилиш бўйича белгиланган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилиши;

магистратурада ўқиш муддати икки йил ҳисобланиб, у кундузги таълим шаклида олиб борилиши;

Академияда юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш олий ўқув юртидан кейинги таълимга қўйиладиган давлат талаблари асосида амалга оширилиши;

магистратурага 2018/2019 ўқув йили учун қабул квотаси жами 16 та ўрин этиб ҳамда кейинги йиллар учун қабул квотасини шакллантириш ушбу соҳадаги талаб ва эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда Академия муассиси томонидан белгиланиши назарда тутилсин.

5. Белгилансинки, магистратура битирувчиларига бериладиган давлат намунасидаги диплом Ўзбекистон Республикасида олий диний таълим соҳасидаги тегишли мутахассисликлар бўйича магистрлик даражасини берувчи олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат деб эътироф этилади.

6. Ўзбекистон муслмонлари идорасига: Академиянинг устави, магистратура таълим йўналишлари бўйича давлат таълим стандартлари, ўқув жараёнини сифатли ташкил этиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқишда жаҳондаги илғор ижобий тажрибани атофлича ўрганиш, таҳлил этиш ва амалиётга жорий қилиш;

Академия магистратураси мутахассисликларида ўқишни давом эттириши мумкин бўлган мос бакалавр йўналишлари рўйхатини белгилаб бериш;

Академиянинг илмий-педагог кадрлари таркибини асосан мамлакатимиздаги олий

таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида ҳамда Ўзбекистон муслмонлари идораси тизимида фаолият кўрсатаётган, шу жумладан, хорижий таълим (илмий) муассасаларида малакасини ошириб келган, юқори савияли профессор-ўқитувчилар ва илмий ҳодимлар, шунингдек, соҳанинг салоҳиятли етук мутахассислари — амалиётчилардан шакллантириш тавсия этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2018/2019 ўқув йили бошлангунга қадар Академияни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган олий таълим муассасалари учун мажбурий бўлган зарур ўқув-методик ҳужжатлар билан бепул таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги Академияда олий таълимдан кейинги таълим босқичида ислом динининг, Қуръони карим ва ҳадис илмининг асл моҳиятини, тафсир ва фикҳ, ҳадисшунослик мактабининг илмий-маънавий асослари бўйича тадқиқот ишларини олиб боровчи юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашга қўмаклашсин.

9. Академия фаолияти қўйидаги манбалар ҳисобидан молиялаштирилиши инobatга олинсин:

муассис томонидан ажратиладиган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молиявий институтлар, хорижий ташкилотлар, донор мамлакатлар ва ташкилотларнинг грантлари;

қонун ҳужжатларида таққилланмаган бошқа манбалар.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита бир ой муддатда Академиянинг давлат рўйхатидан ўтказилишида амалий ёрдам кўрсатсин.

11. Академия Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази биносига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлашиши маълумот учун қабул қилинсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Х.Султонов ва Р.Қамбаров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2017 йил 15 декабрь

Ш.МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Ислом академиясини
ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига
ШАРҲ

Юртимиз азалдан ислом илм-фани ва маданияти марказларидан бири сифатида эътироф этилади. Имом Бухорий, Бурхониддин Марғинойий, Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Махмуд Замахшарий, Муҳаммад Қафғол Шоший, Бахоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий сингалари кўплаб мутафаккирларимизнинг боқий номи ва бой мероси нафақат минтақамизнинг маънавий ривожига, айна вақтда жаҳон цивилизацияси тарихида муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистонда диний таълим тизими ўзининг қадим ва ўлмас анъаналарига эга. Масалан, ўрта асрлардаёқ Бухоро ўзининг мадрасалари ва уламолари билан шуҳрат қозониб, ҳақли равишда «Ислом оламининг қуввати» унвонига сазовор бўлган. Самарқанд ва Бухорода Мирзо Улуғбек қурдирган мадрасалар ўрта асрларнинг университетлари вазифасини бажарган.

Мустиқиллик шарофати билан юртимизда диний ва миллий қадриятларимиз тўла тикланди. Улуг аждодларимизнинг хотираларига муносиб эҳтиром кўрсатилиб, улар қолдирган бой илмий-маънавий меросни ўрганиш учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

Айни вақтда аждодларимизнинг диний-маърифий меросини янада теран ўрганиш ва таҳлил қилиш, уларнинг илмий анъаналарини муносиб давом эттириш бугунги авлод олдида турган долзарб вазифалардан саналади.

Бугун шиддат билан ўзгариб бораётган глобаллашув даврида дунёда муқаддас ислом дини аҳкомларини нотўғри талқин қилиш, уларни сохталаштириш йўли билан турли фитна ва бузғунчиликлар содир этиш ҳолатлари кузатилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бундай мураккаб вазият динимизнинг софлигини сақлаш, унинг тинчлик ва инсонпарварликдан иборат асл моҳиятини аҳоли ва, айниқса, ёшларга етказишга қодир, юқори даражада илмий ва диний салоҳиятга эга мутахассисларни тайёрлашни тақозо қилмоқда.

Бугунги кунда Республика-мизда фаолият юритаётган Тошкент ислом институти ва Бухородаги Мир Араб олий мадрасасида 366 нафар талаба таҳсил олмақда. Уларга илм ўргатаётган 87 нафар ўқитувчидан 12 нафари фан номзоди ва 38 нафари фан магистри илмий даражасига эга. Ўрта махсус ислом билим юртларида эса жами 1071 талабага 246 нафар педагог дарс бермоқда. Улардан

12 нафари фан номзоди ва 33 нафари магистрлик илмий даражасига эга. Ушбу илмий даражалар учун ҳимоя қилинган диссертацияларнинг мавзулари бевосита ислом дини илмлари йўналишида бўлмай, илмий изланишлар асосан ёндош соҳаларда олиб борилганини таъкидлаш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йилнинг 1 сентябрида Тошкент шаҳридаги Ҳазрати Имом мажмуасида давлат, жамоат ва ёшлар ташкилотлари, диний соҳа вакиллари билан учрашувда диний таълим тизимини таҳлилий ўрганиб чиқиш ва замон талаблари асосида такомиллаштириш, юқори илмий тайёргарликка эга мутахассисларни тайёрлашни йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Ислом академиясини тузиш бўйича вазифалар белгилаб берилган эди.

Буюк мутафаккир аждодларимиз асос солган илмий мактаблар ва йўналишлар давомийлигини таъминлаш, олий ва ўрта махсус диний таълим ўқув юртлари, илмий тадқиқотлар марказларини юқори илмий савия ва малакага эга мутахассислар билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Ўзбекистон муслмонлари идораси ва Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти таклифига асосан Ўзбекистон Ислом академияси ташкил этилмоқда.

Мамлакатимиздаги амалдаги қонунчилик ва дунёвий мамлакатлар қонунчилигини эътиборга олган ҳолда тузилаётган мазкур академия нодавлат олий диний таълим муассасаси мақомида фаолият олиб боради.

Академия ҳузурида магистрлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш, исломшунослик фанлари магистри, фалсафа доктори ва исломшунослик фанлари доктори илмий даражаларини бериш бўйича Ихтисослашган илмий кенгаш фаолияти йўлга қўйилади.

Академиянинг ташкил қилиниши юртимизда ислом дини назариясини чуқур эгаллаган, буюк аждодларимизнинг бебаҳо илмий-маърифий меросини теран ўрганган, диний ва дунёвий илмлар, хорижий тилларни пухта ўзлаштирган ҳар томонлама етук мутахассислар тайёрлаш имконини яратди.

Академияда машғулотлар ўтказиш, илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш жараёнига Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти,

Тошкент давлат шарқшунослик институти, Тошкент ислом университети, Ўзбекистон Миллий университетининг профессорлари, фан докторлари ва номзодлари, шунингдек, хорижий давлатларидан исломшунослик олим ва мутахассислар жалб этилади.

Ўзбекистон Ислом академияси ҳузурида магистратура (2 йил), таянч докторантура (3 йил) ва докторантура (3 йил) фаолият юритади. Ўқуш ва илмий машғулотлар контракт-грант асосида ташкил қилинади. Мустиқил тадқиқотчилар учун масофадан ўқуш, тадқиқот ишларини амалга ошириш имконияти яратилади, хориждан докторантлар ва тадқиқотчилар ўқиш ва амалиётга шартнома асосида қабул қилинади.

Академияда олиб бориладиган илмий-тадқиқот ишлари натижалари асосида Ўзбекистон Ислом энциклопедияси, буюк аждодларимиз тўғрисида илмий-оммабоп адабиётлар, илмий-маърифий китоблар яратилади, илмий журнал чоп этилади.

Ўзбекистон Ислом академиясининг ташкил қилиниши олий диний таълим тизимини янада такомиллаштириш, диний ўқув юртларида таълим сифатини ошириш ва замон талабларига жавоб берадиган юқори илмий савияли мутахассислар тайёрлашга хизмат қилади.

ҚАЛБЛАРДА
МИННАТДОРЛИК
ВА ИФТИХОР
ТУЙҒУСИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистон Республикасига жорий йил январь ойида ташриф буюрган эди. Орадан ўн бир ой ўтиб, давлатимиз раҳбари яна Оролбўйига келди. Ўтган давр мобайнида Президентимиз раҳнамолигида ушбу ҳудудда амалга оширилган оламшумул ишлар аҳоли кайфиятини кўтариб, уларни янги марралар сари илҳомлантирмоқда.

ЎЗА мухбири уларнинг айримлари билан суҳбатлашди.

Абдулла КАРИМОВ,
Элликқалъа туманидаги «Сорибий
лимонари» хусусий корхонаси раҳбари:

— Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг январь ойида Қорақалпоғистонга ташрифи чоғида берган топшириқлар ижросини кўриб, қалбимизда миннатдорлик ва ифтихор туйғуси жўш урмоқда.

Жорий йил сентябрь ойида корхонамиз ишга тушди. Корхонада тиббий муолажалар учун кислород ишлаб чиқарилади. Бугун мамлакатимизда тadbиркорлар учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Айниқса, Президентимизнинг ташаббуси билан яратилган қўлайликлар бизни янги марралар сари илҳомлантирмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг тadbиркорликка тўсиқ бўлиш давлат сиёсатига қарши турши билан баробар, деган сўзларини ҳар бир тadbиркорлик субъекти пештоқига осиб қўйса арзийди.

Дилфуза ХЎЖАНОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси
Мақтабача таълим вазирлиги Чимбой
тумани бўлими шўба мудири:

— Президентимизнинг туманимизга ташрифи доирасида мактабача таълим муассасалари фаолияти билан танишгани соҳага қаратилаётган катта эътиборнинг яна бир ифодаси бўлди. Давлатимиз раҳбари ўзининг чиқишларида нодавлат мактабача таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича кўп бора таъкидламоқда.

Давлатимиз раҳбарининг «Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарориди соғлом рақобат муҳитини шакллантириш учун анъанавий таълим хизматлари билан бир қаторда таълим олишнинг сифатли ва оммабоп муқобил имкониятларини яратадиган таълим хизматлари кўрсатиш бозорини жадал ривожлантириш кўзда тутилган. Бугун бу борода кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Энг асосийси, сифатли таълим ва тарбия тизими йўлга қўйилмоқда.

Инжигул ЎТАРОВА, уй бекаси:

— Шавкат Мирзиёевнинг Президентлик лавозимига киришганига мана бир йил бўлди. Ўтган шу вақт давомида кенг қўламли ишлар амалга оширилганини ҳаётимизда ҳис қилиб турибмиз, оммавий ахборот воситалари орқали танишиб бораёпмиз.

Президентимиз ўзлари бош бўлиб, халқ билан мулоқот қилмоқда, аҳоли дардини эшитиб, уларнинг муаммоларига ечим топтоқда. Биргина Нукус шаҳрида амалга оширилган ишларни санаб адоғига етиб бўлмайди. Бугун шаҳар бутунлай ўзгариб кетди.

Олис Мўйноқ туманида яшайдиган қариндошларимиз билан гаплашганимизда Президентимиз ўз сўзининг устидан чиқиб, у ерга тоза ичимлик суви олиб борганини фахр ва чуқур миннатдорлик билан тилга олади. Бу каби эзгу ишларни кўплаб келтиришимиз мумкин.

Гулжаҳон СЕЙТНАЗАРОВА,

«Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони соҳибаси:

— Президентимиз БМТ Бош ассамблеясининг 72-сессиясида Орол муаммосини яна бир бор дунё жамоатчилиги олдида баралла олиб чиқди.

Орол минтақамиз ва бутун халқаро ҳамжамятининг оғриқли ва долзарб масаласидир. Давлатимиз раҳбари БМТ юксак минбариди Орол денгизининг харитасини кўрсатиб сўзлаган нутқини, айниқса, биз, Қорақалпоғистон аҳли катта ҳаяжон билан кузатдик.

Бу Президентимизнинг қорақалпоқ эли ва заминига нақадар катта сажамият билан муносабатда эканини яна бир бор намоён этди. Биз, ҳар биримиз давлатимиз раҳбарининг ташаббусларига доимо «лаббай», деб жавоб бериб, мамлакатимиздаги улкан ўзгаришлар жараёнининг фаол иштирокчиси бўлмоғимиз даркор.

Абу Бакир ҲОЗОВ,
ЎЗА мухбири.

Ўзбекистонда диний таълим тизими ўзининг кўп асрлик ва бой анъаналарига эга. Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент мадрасалари ўрта асрларнинг университетлари вазифасини бажарган.

ХАЛҚИМИЗ БУГУН ЯХШИ ЯШАШНИ ИСТАЙДИ

*Одамларимиз ислохотлар самарасини келажакда эмас,
балки бугун ўз ҳаётида ҳис этишлари зарур.*

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Ер юзидаги бирор-бир мамлакат, миллат тараққиётдан ортда қолишни истамайди. Ривожланмаслик, ислох этмаслик — қарамлик ва маҳкумлик каби хатарлидир. Кимдир кимнидир кутиб ўтирмайди. Манфаатлар ҳукмрон бўлган бугунги дунёда ҳаракат қилган, изланган, илм эгаллаган халқ тўла маънодаги мустақил ва озоддир.

Бу ўринда миллий бирлик муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлаш зарур. Шунинг учун ҳам биз янада жипслашимиз, бир кучга, шиддатга айланишимиз лозим. Ушандагина орзуларимиз рўёбга чиқади. Бугун биз бугун бир халқ сифатида тараққиёт ва юксалиш йўлидаммиз. Энди фақат садоқат ва фидойилик керак.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Конституциямизнинг 25 йиллигига бағишланган байрам тадбирида халқимиз бугун яхши яшаши керак, деган концепцияни илгари сурди. Одамларимиз бунга ҳақли, лойиқ. Юртимизда бошланган янги ислохотлар халқимизга ушбу ҳаётбахш туйғунни, мустақкам ишончини, қайтмас интилишни берди.

Бу ҳақиқатни бугун Жиззах вилоятида олиб борилаётган бекиёс ислохотлар мисолида ҳам яққол кўрамиз.

Акрам ИНОМОВ,
халқ депутатлари Жиззах вилояти
Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари,
«Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби:

— Ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди. Одамлар онгу тафаккури, фаровон ҳаётга бўлган интилиши кундан-кунга ортиб бораверади. Бу, аввало, бугун бир мамлакатни, бугун бир миллатни, юксалаётганидан, ўз кадр-қиммати-ни, ўзлигини англаётганидан дарак беради.

Жиззах вилоятида Президентимиз ташаббуси билан бошланган ислохотлар ўзининг дастлабки самараларини бера бошлади. Одамлар англаб етмоқдаки, бу ислохотлар эртага уларнинг ҳаётини бутунлай ўзгарилади. Мамлакатимиз раҳбарининг ҳар бир таширидан одамлар қониқиш ҳосил қилмоқда. Вилоятимиз иқтисодиётининг, халқимиз турмуш шароитининг тобора юқорилаётганини ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз.

Бугунги кунда Жиззах вилоятида 1160 ишлаб чиқариш корхонаси фаолият кўрсатмоқда. «Жиззах» эркин иқтисодий зонасида лойиҳа қиймати 51 миллион 400 минг АҚШ доллари тенг бўлган 15-корхона ташкил этилди. Натижада 774 янги иш ўрни яратилди.

2018 йили 196 миллион 500 минг АҚШ доллари йўналтирилиши ҳисобига 5 корхона ишга туширилиши режалаштирилган. Бу 1500 дан зиёд жисзахлик доимий иш ўрнига эга бўлади, дегандир.

Фориш туманида базальт арматуралар ишлаб чиқариш, Галлаоролда вольфрамни қайта ишлаш, Зоминда фармацевтика саноатини янада ривожлантириш билан боғлиқ йирик лойиҳалар амалга ошириляпти. Зафаробод туманидаги йилига 350 минг тонна оқ цемент, 760 минг тонна портланд цемент ишлаб чиқариш қувватига эга Жиззах цемент заводининг йиллик қувватини яна 250 минг тоннага ошириш режалаштирилган.

Одамлар мақсад-муддаоси, хоҳиш-истагини ифода этадиган, улар дуч келаётган муаммолар ечимига хизмат қиладиган ислохотлар одамлар томонидан нафақат қўллаб-қувватланмоқда, балки одамлар ҳаётбахш ислохотларнинг фаол иштирокчисига айланмоқда.

Бу ҳақиқатга яқинда Жиззах вилоятига борганимизда, ишонч ҳосил қилдик. «Жиззах» эркин иқтисодий зонасида «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси «Пежо Ситроен» гуруҳи билан ҳамкорликда барпо этилаётган автомобиль заводи қурилишида ишлаётганлар билан суҳбатлашганимизда, ҳаёт ўзгарганига, одамлар дунёқараши ўсганига яна бир бор гувоҳ бўлдик. Халқимиз айтганидек, пойдевори мустақкам иморат узоқ йил қад ростлаб туради, бир неча авлодга хизмат қилади. Ҳаво ҳарорати совуқ бўлишига қарамай, бу ердаги ишчиларнинг ғайрати, шижоати, кайфияти жуда баланд.

Уларнинг таъкидлашича, лойиҳадаги ер ва пойдевор ишлари тўлиқ уддаланган. Шу кунларда об-ҳаво ҳалақит бермайдиган юмушларни бажаришмоқда. 650 нафардан ортик қурувчи учун барча шарт-шароит яратилган. Ишчилар лойиҳада белгиланган асосий ишларни муддатидан аввал, сифатли, чин қўнгилдан қилаётганини кўриб, тўғриси, ҳавас қилдик, қувондик.

2017 йил 7 ноябрь. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Жиззах вилоятига ташрифи доирасида Франциянинг «Пежо Ситроен» гуруҳи билан ҳамкорликда барпо этилаётган замонавий корхона қурилиши билан ҳам танишди. Мутасаддиларга зарур маслаҳатлар берди. Бошланган ишларни тезлаштириш, сифат ва самарадорлигига алоҳида эътибор бериш кераклигини уқтирди. Ҳозир бу ерда ишлар кизгин бормоқда.

Норкул НУШАРОВ,
«Нуроний» жамағамаси Жиззах вилояти бўлими раиси, «Дўстлик» ордени соҳиби:

— Мен иқтисодчиман. Узоқ йил турли идораларда ушбу соҳада фаолият кўрсатдим.

Касбим тақозоси билан ҳар бир ишни ҳисоб-китоб қилишга ўрганганман. Кимдир менга бир кун келиб, Жиззахда автомобиль заводи қурилади деса, тўғриси, ишонмасдим. Мустақид тузум йилларида бизда пахтачилик, чорвачиликдан бошқа бирор-бир тармоқ ривожланганини эслолмайман. Мустақилликдан сўнг қўллаб йирик лойиҳалар амалга оширилди. Лекин кейинги бир йилда Жиззах вилояти, жисзахликлар ҳаётида юз берган янгиликларни санаб, адоғига етиб бўлмайди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан «Пежо Ситроен» гуруҳи ҳамкорликда барпо этилаётган автомобиль заводини олиб кўрайлик. Бу завод нафақат жисзахликларнинг, балки бугун халқимизнинг фахр-ифтихориға айланишига ишонаман.

Яқинда газетадан ўқиб қолдим: барпо этилаётган ушбу қўшма корхонанинг устав капитали 30 миллион еврони ташкил этиб, лойиҳани амалга ошириш учун 130 миллион евролик инвестиция жалб этилаётган экан. Бу айтишга осон. Насиб қилса, завод 2019 йили дастлабки машиналарни чиқара бошлайди. Йилига 16 минг донна замонавий автомобиль тайёрланади. Жиззахда ишлаб чиқарилган автомобиллар нафақат ички бозорга, балки хориж давлатларига ҳам сотилади. Бу ерда дастлабки пайтда 600 дан зиёд иш ўрни яратилади. Европа стандартларига жавоб берадиган замонавий машиналар халқимизнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилишига ишонаман.

Бугун қайси бир жисзахлик билан суҳбатлашманг, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан **2017 йил 27 апрель** кунни тамал тоши қўйилган, Зафаробод тумани «Чимқўрғон» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидан бунёд этилаётган Жиззах нефтни қайта ишлаш заводи ҳақида фахрланиб гапирди. Мазкур янги завод нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёдаги ноёб саноат объектларидан бири ҳисобланади. Қиймати 2,2 миллиард АҚШ доллари бўлган ушбу лойиҳа йилига 5 миллион тонна нефть хомашёсини қайта ишлаш имконини беради. Мазкур корхона учун Қозоғистон Республикаси ҳудудидан тортиб келинадиган қувурнинг узунлиги 95 километрни ташкил этади. Бу энергия ресурсларини етказиш борасидаги харажатларни, заводнинг географик жойлашуви эса бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни мамлакатимизнинг барча ҳудудларига ва экспортга йўналтиришдаги харажатларни камайтиради.

Заводда углеводород хомашёсини қайта ишлаш бўйича экологик тоза ва энергетик жиҳатдан самарадор технологиялар ўрнатилди. Бунинг натижасида Евро-5 стандартидаги юқори сифатли мотор ва авиация ёқилғиси, бензол, мазут, битум ва бошқа нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Яхшибой ТҲҲИЕВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди
Зафаробод тумани бўлими раҳбари:

— Президентимизнинг шахсан ўзи завод қурилишига бош-қош бўлаётганини барчамиз билиб турибмиз. Тўғриси айтганда, туманимизда бундай йирик саноат корхоналари қурилаётганидан аҳоли жуда хурсанд. Бугун ҳамма яхши ҳаёт, ёруғ келажак ҳақида гапирмоқда. Бунга тўла маънода пойдевор қўйилди. Нефть заводида 16 мингдан зиёд иш ўрни яратилишини эшитган, билган оналарнинг дуосини, миннатдорлигини сўз билан ифода этиб бўлмайди. Яшириб нима қилдик, чет элга иш излаб кетганлар ҳам бугун қайтиб келмоқда. Ўзингиз ўйланг, ўн олти минг оила обод бўлади, фаровон ҳаёт кечиради.

Кейинги бир йилда Жиззах вилоятида енгил саноат соҳаси изчил ривожланаётгани натижасида етиштирилган пахтанинг 40 фоизи маҳаллий саноат корхоналарида қайта ишланмоқда. Келгуси 3 йилда пахта ҳосилининг ҳаммасини калава илга айлантириш, ушбу хомашёнинг 85 фоизидан тайёр кийим-кечак ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

Бинобарин, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида жорий йилда

Жиззах вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган бир неча ҳукумат қарори қабул қилинди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, саноат соҳасида 666, хизмат кўрсатишда 1 минг 140, қишлоқ хўжалигида 1 минг 242 та лойиҳанинг барчаси йил якуни билан тўлиқ амалга оширилади.

Жиззах вилоятида 2017-2018 йилларда енгил саноатни янада ривожлантириш дастури доирасида қатор лойиҳалар юзасидан бошланган ишлар жадаллик билан давом этмоқда, ниҳоясига етказилмоқда. Миллий банк томонидан «Элеганс текс», «Пахтакор голд текс», «Фориш голд текс», «Зомин текстиль», «Зарбдор текстиль» каби корхоналарда умумий қиймати 111 миллион АҚШ долларлик лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш кўзда тутилган. Бу салкам 3 минг янги иш ўрни, дегандир.

2018 йилнинг бошида фаолият кўрсатиши режалаштирилаётган «Зарбдор текстиль» корхонасининг биринчи босқичи ишга тушиши билан 1200 дан зиёд янги иш ўрни яратилади. Дастлаб калава ип тайёрлаш кўзда тутилган корхонанинг иккинчи босқичи фойдаланишга топширилиши билан яна 800 қўшма иш ўрни пайдо бўлади. Бу чўл туманида 2000 янги иш ўрни демакдир.

Сабоҳат КАРИМОВА,
Зарбдор тумани ҳокимининг ўринбосари,
туман хотин-қизлар қўмитаси раиси:

— Президентимиз вилотимизга ташрифлари давомида саноат соҳасини, айниқса енгил саноатни ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратишини кўп кузатганман. Бунинг замирида хотин-қизлар учун муқим иш ўринлари яратишдек хайрли мақсад мужас-самлашган.

«Зарбдор текстиль» корхонасининг пойдевори қўйилганидан бошлаб биз ҳудудимиздаги 19 маҳаллада хотин-қизлар билан учрашув ўтказдик. Ҳозирги кунга қадар корхонада ишлашни истовчилардан бир ярим мингга яқин ариза тушди. Бугун корхонани жиҳозлаш ишлари бошланган. Бу жойда ишлаш ниятида бўлган хотин-қизлар учун икки ойлик ўқув курслари ташкил қилинади. Туман аҳолисининг салкам ярми хотин-қизлар эканини ҳисобга олсак, бундай катта корхонанинг барпо этилиши нақадар тўғри бўлганига ишонч ҳосил қиламиз. Шу ўринда мамлакатимизда хотин-қизлар бандлиги борасида улкан ислохотлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Жўлибой ЭЛТАЗАРОВ,
филология фанлари доктори профессор:

— Мен Жиззах вилоятида туғилганман. Она юртимдаги бирор-бир ўзгариш эътиборимдан четда қолмайди. Одамларнинг ишли бўлиши, оиласи бағрида умргузаронлик қилиши қанчалик катта бахт эканини биламан. Ишлаб чиқариш, саноат ривожланмаган ҳудудларда ишсизлик ортиб, аҳолининг ҳаёт даражаси пасаяди.

Бугун биз ахборот асрида яшаймиз. Ҳар бир ўзгариш, янгилик яшин тезлигида бугун дунёга тарқалмоқда. Жаҳон ҳамжамияти ҳам Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлардан яхши хабардор. Дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари — АҚШ, Япония, Жанубий Корея, Германия, Туркия давлатларидаги олий таълим даргоҳларида ишлаганман. Улардаги тараққиёт ва юксалишларнинг туб неғизини таҳлил қилганман. Ҳаммасининг замирида барқарорлик, тинчлик, ҳалол меҳнат ва изланиш ётибди...

Ноябрь ойида Туркияда бўлиб ўтган халқаро конференцияда чет эллик олимлар билан мулоқот қилдим. Улар Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан амалга оширилаётган ислохотлар билан қизиқишди, тасвирлар беришди. Суҳбат сўнггида Туркиядаги «Темрин» журнали бош муҳаррири, ёзувчи Шериф Йилмаз «Президент сайлови бўлиб ўтганига бир йил бўлди»ми? дея сўради. Мен бир йил бўлишига бир ой бор, деб жавоб бердим. «Ўзбекистон изчил тараққиёт йўлига тушиб олибди», деди у. Ушбу сўзлардан жуда гурурланиб кетдим. Қалбим фахр-ифтихорга тўлди...

Бир мақола доирасида Жиззах вилоятида амалга оширилаётган ислохотлар, уларнинг натижалари, одамларнинг муносабати ҳақида батафсил баён қилишнинг имкони йўқ, албатта. Кўрганларимиздан шундай хулосага келдик, одамлар Президентимиз олиб бораётган сиёсатдан, ислохотлардан рози. Мухтасар айтганда, вилоятда бошланган эзгу ишлар жисзахликлар қалбига ҳаётга, юртга бўлган муҳаббатни янада оширмоқда.

Фаррух ХАМРОЕВ,
Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ.



«Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси билан Франциянинг «Пежо Ситроен» гуруҳи ҳамкорлигида автомобиль заводи барпо этилмоқда.



«SAMSUNG ZOMIN» масъулияти чекланган жамияти фаолиятдан.



«Зарбдор текстиль» корхонаси тез кунларда ўз фаолиятини бошлайди.



Жиззах автомобиль заводи қурувчилари келгуси режаларни муҳокама қилмоқда.



Зоминлик ёшлар ўз ишидан мамнун.

Одамлар ҳаётбахш ислохотларнинг фаол иштирокчисига айланмоқда.

ИНСОН ШАЪНИ, ҚАДР-ҚИММАТИ МУҚАДДАСДИР

Конституциямиз қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги Президент маърузаси халқимиз томонидан катта қизиқиш ҳамда ҳаяжон билан кутиб олинди, қайси соҳада фаолият юритишимиздан қатъи назар, ишимизни яхшилашга, янги марралар сари дадил қадам ташлашга ундади. Маърузада очиқ айтилган ўткир муаммолар, илгари сурилган ғоялар ва вазифалар аҳамияти ҳақида партиямиз фаоллари, депутатлар, турли соҳа вакиллари фикр-мулоҳазалари келиши давом этмоқда.

Элбек ТУРҒУНБОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Чилонзор туман суди судьяси:

— Маърузада суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Тизимдаги ўзгаришларнинг туб моҳияти суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллиги, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, шунингдек, одил судловга эришиш даражасини оширишга хизмат қилади.

Бу йил судларнинг 30 фоиздан ортиси сайёр кўринишда бўлиб ўтмоқда. Ҳуқуқбузарликка йўл қўйган шахснинг ўзи яшаётган маҳалла, ишлайдиган жамоаси олдида суд қилиниши жазонинг тарбиявий аҳамиятини оширапти.

Тан олиш керакки, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари томонидан ноқонуний ҳатти-ҳаракатларга ҳам йўл қўйилган. Жиноят ишларини тергов қилиш, кўриб чиқиш жараёнида, жумладан, далиллар тўплаш, мустаҳкамлаш, текшириш ва баҳолашда қонунийлик ҳамда ҳолисликни таъминлашга тўсқинлик қилувчи бушқинлар бор эди. Бу эса фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга салбий таъсир кўрсатиб келарди. Аҳолининг асосли эътирозларига, ҳуқуқни

муҳофаза қилиш органлари ҳамда судларга бўлган ишончнинг пасайишига сабаб бўлаётганлиги. Президентимизнинг 30 ноябрь кўни қабул қилинган «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони бу камчиликларни бартараф этишга катта ҳисса қўшади, деб ишонаман.

Айрим ҳолларда, тергов, суриштирув жараёнида айбланувчига, унинг яқинларига нисбатан таъйин қўйилган, зўрлик ишлатилган аччиқ ҳақиқат. Судлар мазкур вазиятни текшириш жараёнида аниқ далилга эга бўлмас, баъзан ҳолатга у қадар эътибор берилмас эди. Эндиликда шундай эътироз билдирилса, судлар уларни текшириб кўриши, ҳатто экспертиза тайинлаши зарур. Қонун бузилиши ва рухсат этилмаган услублар, яъни қийноққа солиш, руҳий ва жисмоний таъйин, бошқа шафқатсиз, гайринисоний, қадр-қимматни камситувчи муомала турларига йўл қўйган ҳодимлар жиноий жавобгарликка тортилади ҳамда олинган кўрсатмалар номақбул ҳисобланади.

Бундан буён ҳимоячи кўрилатган иш бўйича далилларни тўплаш ва тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлиб, улар жиноят иши ма-

териалларига қўйилади. Суриштирув, дастлабки тергов ўтказиш ва уни судда кўриб чиқиш вақтида мажбурий текширилади ҳамда баҳоланади. Ушбу тартиб суд мажлисида процессуал қонунчиликда белгиланган тортишувчанлик таъминоти амалда ишлаганини таъминлайди. Ҳимоячи тақдим этган далиллар суд қароридан инобатга олинади.

Тўғри, бирон ижтимоий масала юзасидан депутатлик назорати ўрнатиш зарурлиги ҳақида кўп гапирилади. Лекин бу ишни айнан қандай қилиб амалга ошириш керак, деган савол ҳар доим очиқ қолиб кетади.

Суд мажлислари жараёнида стенография юритилиши, «Электрон жиноят иши» тизими жорий этилиши, тергов ва ҳисобхоналарда доимий видеокузатув мосламалари ўрнатилиши фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилиниши кафолатини мустаҳкамлайди.

Олим РАВШАНОВ,
Ўзбекистон ХДП Қашқарё
вилояти кенгаши раиси:

— Маърузада халқимиз ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини амалда таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар чуқур таҳлил қилинди. Ижтимоий алоқат таъминоти таъминлаш, ёрдамга муҳтож кишилар, ногиронлиги бўлган шахсларнинг тўлақонли ҳаёт кечириши учун муно-

кечагидан, эртага бугунгидан кўра яхшироқ ва самаралироқ ишлашни талаб этипти.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, малакали тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, касбга ўқитиш, бандликни таъминлаш масалаларида олдинда кенг қўллаш вазифалар турбди.

Президентимизнинг «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилинганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Унинг амалдаги ижроси устидан ҳозирдан тизимли равишда мониторинг юритишимиз керак. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш уларга фақат-

гина молдий ёрдам кўрсатишдан иборат, десак, хато бўлади. Чунки уларда барча билан бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятлар бор. Жисмоний имконияти чекланган шахслар ҳуқуқларида тўлақонли фойдаланиши, ўзини жамиятимизнинг фаол аъзоси сифатида ҳис этиши учун тўсқинсиз муҳит яратилиши зарур.

Тўғри, бирон ижтимоий масала юзасидан депутатлик назорати ўрнатиш зарурлиги ҳақида кўп гапирилади. Лекин бу ишни айнан қандай қилиб амалга ошириш керак, деган савол ҳар доим очиқ қолиб кетади. Бу катта камчилик ва уни бартараф этишимиз керак.

Шунинг учун партия ходимлари ва депутатларнинг малакасини ошириш, билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш мақсадида партия ташкилотлари ҳамда маҳаллий Кенгашлар ҳамкорлигида махсус ўқувлар ташкил этиляпти.

Ногиронлиги бўлган шахслар учун қулай шароит яратиш масалалари бўйича махсус раҳбарлар ҳисоботини эшитиш, партия гуруҳларимизнинг маҳаллий Кенгашлар сессияларида фаол иштирокини таъминлаш биз учун долзарб масалалардан биридир.

Шунингдек, сессия қарорлари ижроси устидан депутатлик назорати ўрнатиш ишларини янада жонлантириш сув ва ҳаводек зарур. Акс ҳолда, маҳаллий вакиллик ҳокимияти томонидан қабул қилинган қарорлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар инсон манфаатларига эмас, қоғоз қоралаш учун хизмат қилган бўлиб қолади.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА
ёзиб олди.

ЎзХДП ташаббуси

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши истеъдодли ёшлар таълим олаётган масканлардан бири Тошкент шаҳар ихтисослаштирилган кўзи ожизлар мактаб-интернатига «Сиз билан доимо биргамиз!» шиори остида хайрия акцияси ўтказди. Тарбияланувчиларнинг ҳаёт тарзи ва қизиқишлари билан яқиндан танишди.

«Қўлингни узатиб, қуёшни тут!», деб номланган халқаро танловда биринчи ўринни эгалладим



— Муассасамизда 17 нафар мактабга таълим ёшидаги, 311 нафар мактаб ёшидаги бола тарбияланяпти, — дейди маънавият-маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Замира Ғафурова. — Ҳар бир боланинг ўз дунёси, орау-хаваслари бор. Ўқувчиларимиз дарсдан ташқари спорт машғулотида боришади. Уларнинг кўпчилиги санъатга меҳр қўйган. Ногиронлиги бўлган болаларга биринчи галда мустақил ҳаракатланиб, ўз-ўзига хизмат қилишни ўргатамиз. Бу баъзида ота-оналарда норозилик уйғотади. Биз барча уринишларимиз уларнинг фарзандлари келажаги учун эканини тушунтирамиз.

Ўқувчиларнинг мактабдаги ҳаёти мазмунли, қизиқarli ўтиши учун турли хил тадбирлар ташкил этганмиз. Ҳафтанинг ҳар жума кунинда «Келинг, бирга китоб ўқиймиз», деб номланган давра суҳбати ўтказилади. Бунда бизга «Китоб олами» маънавий-маърифий савдо мажмуаси ходимлари яқиндан ёрдам берапти. Шунингдек, оила кўриб, бахтли ҳаёт кечираётган собиқ ўқувчиларимиз билан ўтказиладиган учрашувлар тарбияланувчиларни олға интилишга, қийинчиликларни енгишга ўргатади.

— Оилада тўрт нафар фарзандимиз, — дейди мактаб-интернатнинг 10-синф ўқувчиси Азим Одилов. — Мен учинчисман. Муסיқага қизиқим болалигимдан бошланган. Амаким қўлини бармоқларим устига қўйиб, фортепиано чалишни ўргатган. Туртинчи синфдан бошлаб устозлардан ғиж-жақ сирларини ўргана бошладим. Республика ҳамда халқаро микёсда ўтказилган танлов ва фестивалларда қатнашдим. Ота-онам жуда хурсанд. Ҳамиша уларнинг мендан фахрланишини ҳис этиб тураман. Бу менга куч бағишлайди.

— Жисмоний камчилигим ютуқларга эришишимда тўсик бўлмади керак, деб ўйлайман, — дейди мактаб-интернатнинг 10-синф ўқувчиси Мухтор Мирсаид. — Онамнинг айтишича, уч-тўрт ёшлигимданок қўлимга тушган нарсаси борки, доира ўрнида чалар, қўшиқ хиргойи қилар эканман. Вақт ўтган сари муסיқага қизиқишим ортиб борди. Астойдил шуғуллана бошладим. Италияда ўтказилган «Қўлингни узатиб, қуёшни тут!», деб номланган халқаро танловда «Дарвеш ва Рондо» кўйини ижро этиб, биринчи ўринни олдим. Менга танловнинг номланиши жуда ёққан, уни тез-тез ёдга олиб тураман. Келажақда бастакор бўлишни ният қилганман.

Тадбир доирасида «Келинг, бирга китоб ўқиймиз» акцияси ўтказилиб, тарбияланувчиларга турли китоблар, бадий асарлар соғва қилинди.

Махлиё АЛИҚУЛОВА

24 ДЕКАБРЬ — ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТУМАН КЕНГАШЛАРИГА САЙЛОВ КУНИ

ЎзХДП НОМЗОДЛАРИ долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни кўтариб чиқмоқда

Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайлов мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеалардан биридир. Янги ташкилий-ҳуқуқий шароитда ўтказиладиган мазкур сайлов пойтахтимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда, пойтахт туманларида вакиллик ҳокимиятини мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга.



Бахтинисо ПУЛАТОВА,
Шайхонтохур
туманидаги 324-мактаб
директори,
7-Қоратощ сайлов
округи:

— Партиямизнинг Сайловолди дастурида таълим тизимини янада ривожлантириш, хусусан, жисмоний имконияти чекланган болаларни таълимга тўлақонли қамраб олиш билан боғлиқ долзарб вазифалар назарда тутилган. Шундан келиб чиқиб, мен ҳам ўз сайловолди дастурида қатор масалаларни белгилаб олдим. Жумладан, ёшлар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларда китобхонликка меҳр уйғотиш ҳамда инклюзив таълимни янада ривожлантириш масалаларига қаратилган таклифларим бор.

Бизнинг мактабимизда 20 нафардан ортиқ ногиронлиги бўлган фарзандларимиз таълим олади. Муассасада улар ҳар томонлама чуқур билим олиши учун қулай шароит яратилган, замонавий ахборот ресурс маркази ташкил этилган.

Келажақда бу йўналишдаги ишларни янада кучайтиришни режалаштирганман. Депутатликка сайлансам, бу борадаги масалаларни ечишда янада фаол иштирок этиш имконига эга бўламан. Партиямиз ғоялари учун, фарзандларимиз таълим-тарбияси учун бор кучим билан меҳнат қиламан.



Мирзоҳид ХИДИРОВ,
Ўзбекистон ХДП Сергели
туман кенгаши раиси,
21-Иттифоқ сайлов
округи:

— Мен ўз сайловолди дастурида ёшлар, хусусан, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратганман. Кейинги йилларда Сергели туманида катта ўзгариш ва янгиликлар содир бўляпти. Кўплаб янги корхона ва ташкилотлар иш бошлаяпти. Янги иш ўринлари яратилаяпти. Ана шу жойларда меҳнат қиладиган ёшларни тарбиялаш масаласига жиддий аҳамият беришимиз керак.

Бунинг учун аввало касб-хунар коллежларида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш талаб этилади. Шунингдек, туманимизда жойлашган, Корея республикаси билан ҳамкорликда ташкил этилган КОИКА — касб-хунарга ўқитиш маркази билан ҳамкорликда зарур мутахассисларни қайта тайёрлаш имкониятидан самарали фойдаланишимиз керак. Янги уй-жойларнинг қурилиш натижасида туманимиз аҳолиси кейинги 2-3 йилда кескин ошишини инобатга оладиган бўлсак, масаланинг қанчалик муҳим экани ойдинлашади.



Мухаббат АБДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон ХДП «Ёшлик» талабалар
шаҳарчаси кенгаши раиси,
20-Истиқбол сайлов
округи:

— Мен ўз дастуриمنى тузишдан олдин туманимизда аҳолини кўпроқ ўйлантираётган масалаларни атрофлича ўрганишга ҳаракат қилдим. Ҳудудимизда коммунал хизматлар сифатини яхшилаш, аҳолини уй-жой билан таъминлаш, талабаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш билан боғлиқ муаммолар оз эмаслиги аниқланди. Сайловолди дастурида шу каби долзарб масалаларга ташаббуслар билан чиқишни режалаштирдим.

Бугунги сайловчи номзоднинг қоғоздаги дастурлари, баландпарвоз режаларига ишонмайди. Уларга аниқ таклиф, амалий ҳаракат керак. Шунинг учун қўлданлик ҳаётиимиздаги камчиликларни ҳал қилиш юзасидан мутасадди корхона ва ташкилот, давлат муассасаларига партиямиз номидан таклифлар тайёрлаш ниятидаман. Депутат бўлиб сайлансам, бу режаларни амалга ошириб, амалий натижаларга эришамиз, деб ўйлайман.

Бугунги сайловчи номзоднинг қоғоздаги дастурлари, баландпарвоз режаларига ишонмайди. Уларга аниқ таклиф, амалий ҳаракат керак.

Сайлов партиямизнинг жамиятдаги ҳақиқий ўрнини кўрсатиб беради. Шунинг учун ҳар бир туман Кенгашида партиямиз гуруҳи тузилишига эришмоғимиз керак. Шу орқали одамлар ичига чуқур кириб бориш, электорат манфаатларини қатъий туриб ҳимоя қилиш имконига эга бўламиз.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Нурали ОРИПОВ ёзиб олди.

Мен ўз сайловолди дастурида ёшлар, хусусан, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратганман.

НИШОН ТУМАНИДАГИ ЮКСАЛИШ НИШОНАЛАРИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг жорий йилнинг 24-25 февралда Қашқадарё вилоятига таширифидан сўнг янада ёрқинроқ намоён бўла бошлади.

Қарши чўлининг бундан ярим аср муқаддам ўзлаштирилган ҳудудда жойлашган Нишон туманида иқтисодий-ижтимоий тараққиётга хизмат қиладиган 1058 лойиҳани амалга ошириш ишлари кўтаринки кайфиятда олиб борилмоқда. Президентимизнинг яқинда Қишлоқ хўжалиги ходимлари кўни муносабати билан ўтган тантанали маросимда билдирган фикрлари бутун Қашқадарё вилояти, жумладан, Нишон тумани деҳқону тadbиркорлари кўнглини янада кўтариб юборди.

Ислохотларнинг бориши билан танишиш мақсадида сафаримизни «Нишон кўзгу» фермер хўжалигидан бошладик. Сабаби, жорий йилнинг бошида давлатимиз раҳбари мазкур хўжаликнинг Қарши шаҳридаги қушхонасида бўлган, жамоа эришадиган ютуқлар билан танишган ва бу ерда гўшт маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик корхона қуриш юзасидан таклифлар берган эди.



МЕҲНАТ ҚИЛ, РОҲАТИНИ КЎР

Шулгўр қилинган майдонлардан ўтиб, ям-яшил далага дуч келдик. Ушбу 51 гектар ғаллазор «Нишон кўзгу» фермер хўжалигига тегишли экан. Хўжалик раҳбари Шерзоджон Узоқовни шу ерда учратдик, танишдик.

Ўттиз беш ёшли тadbиркор йигит фақат деҳқончилик билан шугулланиб қолмасдан, бошқа ибратли ишларни ҳам амалга ошириб келаётгани билан кўпчилиكنинг хурмат-этиборини қозонган экан. «Агробанк»дан 3 миллиард 930 миллион сўм кредит олиб, Қарши шаҳрида замонавий автоматлаштирилган қушхона қурибди. Мазкур корхонанинг 40 тонна гўшт маҳсулотлари ва 200 тонна мева-сабзавотни сақлайдиган музлатгич, омборхонаси ҳам бор экан. 100 дан ортиқ иш ўрни яратилапти.

— Келгуси йил ҳосилга тайёргарлик зўрку, — дейман майсалар яшнаган ғалла пайкалига ишора қилиб. — Бу йил ғалла, пахта қандай бўлди?

— Жорий йилда 22 гектар жойдаги ғалла, 21 гектар жойдаги пахтадан юқори ҳосил олиб, шартнома режаларини ошириб ало этдик, — дейди Шерзоджон. — Тумандаги бошқа фермерлар ҳам юксак марраларга эришди. Қишлоқ хўжалиги ходимлари кўни муносабати билан Тошкентда ўтган тантанали маросимда Президентимиз пешқадам туманлар қаторида Нишонни ҳам эътироф этгани ҳаммамизнинг кўнглимизни гурурга тўлдирди, янада ғайрат билан ишлашга руҳлантирди.

— Билишимизча, хўжалигингизда пахта билан ғалладан бошқа экинлар ҳам етиштирилади, шу ҳақда ҳам икки оғиз гапириб берсангиз.

— Кўп тармоқли хўжалик барпо этиш — давр талаби. Бунга ўз фаолиятимизда кўрдик. 8 гектар ерда қовун етиштириб, 37 минг 800 долларга экспорт қилдик. Мана 5 гектар ерга «гўқсонбости» саримсоқлиёз ва пиёз экиб, кўкартириб олдик. 100 бош қорамолимиз бор. Еримизнинг алоғидаги ташландиқ 1 гектар ерда балиқ боқамиз. Тошкентдан мутахассис олимларни олиб келиб, янги йилдан гулкарам эмкоқчиман...

Шерзоджоннинг мулоҳазаларини тинглаб эканман, Қарши чўлида илк бор ўзлаштирилган Нишон тумани ерларининг мелиоратив ҳолати яқин ўтмишда аянчли экани эсимга тушди. Қанчаллик ҳаракат қилинмасин, кейинги ўн беш-йигирма йилда режалар ўлда-

жўлда қолиб кетаверди. Ҳатто, ўтган йили ҳам пахта режаси 80 фоиздан ошмади.

Туманга янги ҳоким келгандан сўнггина вазият ўзгара бошлади. Тумандаги 57 минг 475 гектар сугориладиган ернинг 35 минг гектари шўрланган, шундан 2 минг гектари кучли шўрланган майдонлардир. Кейинги уч йил давомида янги коллекторларни қуриш, эскиларини таъмирлаш бўйича 24 лойиҳа амалга оширилди. Натижада 30 минг гектарга яқин ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. 2017 йилда эса 6 лойиҳа асосида яна 4 минг гектарга яқин ернинг унумдорлиги оширилади. Демак, бугунга келиб Шерзоджон айтган режаларни ҳаётга татиқ этиш учун етарли шарт-шароит яратилди.

— Бу йил 19 минг гектарга яқин ерда ғалла етиштирилиб, шартномавий режалар бажарилди, — дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи ўринбосари Маъруф Эргашев. — 21 минг гектар ердан 50 минг тоннадан ошмиқ пахта териб олинди. Агар туманда 1365 фермер бўлса, деярли барчаси яхши натижаларга эришди. Демак юксак марраларни кўлаб ишлайдиган давр келди.

Дарҳақиқат, 48 гектар ерда деҳқончилик қилаётган фермер Чори Баратов бу йил ғалла ҳосилдорлиги 60 центнердан, пахта ҳосилдорлиги 40 центнердан ошганини мамнуният билан сўзлади.

Туманда оралиқ экинлар экишга ҳам эътибор кучаймоқда. Жорий йилда ғалладан бўшаган 2 минг гектар ерга мош, 6 минг гектар ерга сабзи, 1,5 минг гектар ерга тарвуз, 700 гектар ерга пиёз, 250 гектар ерга саримсоқлиёз экилди.

Томорқа ерларидан унумли фойдаланиш, иссиқхоналар қуришга ҳам катта эътибор берилмоқда. «Юлдуз кўрғонча» МФЙга қарашли ҳудуддаги қаровсиз бино ва ерлар фермер Иброҳим Арслоновга ноль қиймати билан берилган экан. Режа асосида 500 тонна сизимга эга музлатгич — омборхона қураётган фермер шу жойда учта иссиқхона ташкил этибди. Релиска келаси йил март ойида етилар экан. Яйниқса, 19 сотих жойдаги иссиқхона ҳавасимизни келтирди. Илгари Голландиядан келтирилган «Бэла» навли серҳосил помидорни кўргандим. Бу «74-160» навли Голландиянинг янги помидор нави иссиқхонада гурираб ўсиб, ҳосил туккан. Иш бошқарувчи Асрор Қурбоновнинг айтишича, помидор Янги йил дастурхонига тортиқ этилар экан. Асрорнинг ўзи ҳовлисида турфа дарахт, хусусан, арча кўчатлари етиштира экан.

КАТТА ВА КИЧИК КОРХОНАЛАР

Пахта тозалаш корхонасини бошқараётган ёш мутахассис Жасуржон Кўчаров жамоасида 612 ишчи-хизматчи меҳнат қилаётгани, бу йилги пахта толеси ниҳоятда сифатли экани ҳақида ҳикоя қилади. Келажакда туманда ип йигирув корхонаси барпо этилар экан.

Жасуржон билан хайрлашиб, Толлимаржон иссиқлик электр станцияси томон йўл олдик. Мамлакатимиз раҳбари сайловолди учрашувларида ушбу корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини янада ошириш масаласида ҳам фикр билдирганди.

Корхона раҳбари Абдусалом Нормўминов билан танишдик.

— ИЭСнинг қувватини ошириш учун ўзимизнинг ҳамда хорижий компанияларнинг сармоялари йўналтирилган, — дейди у. — Қурилишнинг бош пудратчиси Жанубий Кореянинг «Дайна» компаниясидир. Бир неча йил мобайнида жуда катта ишлар амалга оширилди. Станциямизга Япониянинг «Мицубиси», Жанубий Кореянинг «Дуйсонг» каби таниқли компанияларнинг замонавий газ қувурлари ва бошқа ускуналарни ўрнатилди. Натижада шу йилнинг март ойига келиб, ҳар бири 450 МГВ электр қувват берадиган 2 та газ қурилмаси ишга тушди. Янги лойиҳалар амалга ошадиган, электр станциямиз қуввати тобора ошиб бораверади...

Туманда кичик корхоналар раванқига ҳам катта эътибор берилмоқда. Катта майдонда қад кўтарган кўш қаватли янги бино тadbиркор Баҳром Муродовнинг «Нишон голд» хуеусий корхонасига тегишли экан.

Баҳромжон дастлаб пластмасса эшик-ромлар тайёрлайдиган цех қурибди. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида 295 миллион сўм кредит олиб, мазкур бинони тикляпти.

— Биринчи қаватта савдо дўкони, майиш хизмат шохбчалари жойлашади, — дейди Баҳромжон.

Иккинчи қаватта чиқдик. Хитой давлатидан келтирилган 26 тикув машинасида ишлаётган чеварларга ушбу касбнинг моҳир устаси Дилноза Рўзиева иш боши экан.

Туман ҳокимлигидан айтишларича, ҳукумат қароридан амалга оширилаётган лойиҳалар дастлаб 1040 та экан. Кейин улар яна 18 тага кўпайган. Улар амалга ошса, туманда 5 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилади.

Ўтган икки йил орасида 100 дан ортиқ лойиҳа ҳаётга татиқ этилди. Масалан, тadbиркор Баҳодир Зулфиқоров Нуристон шаҳарчасида янги тўйхона қуриб берди. «Асадбек Лукчасев» МЧЖ автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устaxonасини ишга туширди. Мурод Алимовга тегишли хуеусий «Файзистоний» корхонаси пардозловчи гипс ишлаб чиқариб, экспортга жўнатмоқда. Тadbиркор Отқудуқ қишлоғи яқинидаги кичик конда келгуси йили 400 миллион сўм кредит эвазига гипс-картон ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни мўлжалляпти. Яна бир тadbиркор Нуриддин Нурматов эса пахта чиқиндисидан момиқ тайёрлаш ускуналарини олиб келибди. Бундай истиқболли режалар кўп.

ХАЗИНА


Нишон кенгликларини кезсангиз, тўсатдан қаршингизда кўм-кўк ҳавзалар пайдо бўлади. Бунинг тарихи шундай. Етмишинчи йилларнинг ўртасида Қарши дашти ўзлаштирилади бошлангач, йирик қурилиш бирлашмаси тузилади. Аму сувлари ўзлаштирилган ерларга оқа бошлагач, алоҳида балиқчилик хўжалиги ташкил топади. Замон ўзгаргач, бирлашма тугаб кетди. Балиқ ҳавзалари «Хазина» МЧЖ мулкига айланади.

Унга кўп йиллар Сайфулло Назаров бошчилик қилади. Кейинчалик жамоа ўрнида янги тadbиркорлик субъектлари — фермер хўжаликлари пайдо бўлади. Сайфулло ака фермерга айланади. Кўл бўйидаги шийпонда у киши билан суҳбатлашамиз.

— 2008 йилда 3 та мустақил фермер хўжалиги ташкил топди, — дейди у. — Менинг ихтиёридаги хўжаликка 32 гектарлик кўл қарайди. 8 гектар кўлда чавақ етиштиришни йўлга қўйганмиз. Асосан дўнгпешона, зогора, оқ амур каби балиқларни етиштирамиз. Бу йил 90 тоннадан кўпроқ маҳсулот чиқаришни мўлжалляпмиз. Қарши шаҳрида «Олтин балиқча» ошхонамиз, дўконимиз бор.

Сайфулло Назаров билан хайрлашиб, яна йўлга тушамиз. Анчадан кейин улкан иншоот — Толлимаржон сув омборига етиб келамиз. Қурилиши 1974 йилда бошланган сув омбори 1986 йилда ишга тушган. Нафақат воҳадаги, балки юртимиздаги энг йирик сунъий денгизлардан бири, 1,5 миллиард кубометр сув сақлайди. Қарши даштидаги туманлар

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Туман ҳокимлигидан айтишларича, ҳукумат қароридан амалга оширилаётган лойиҳалар дастлаб 1040 та экан. Кейин яна 18 тага кўпайган. Улар амалга ошса, туманда 5 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилади.

«ЕВРОСНАР»

масъулияти чекланган
жамияти жамоаси:

— Мафтункор
диёримиз ақлини
ЯНГИ ЙИЛ
байрами билан
табриклаймиз!



УРУШ ВА МЕХНАТ ФАХРИЙЛАРИ эъзозу эътиборда

Ўзбекистон «Ветеран фахрийлари ва ногиронлари «Евроснар» бирлашмаси томонидан мунтазам равишда маданий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Уруш ва меҳнат фахрийлари, нуронийларнинг жамияти ҳаётида фаол иштирокини таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бирлашманинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Яқинда Халқаро ногиронлар кунига бағишлаб ўтказилган тадбирда бир гуруҳ ҳарбий ногиронларга мукофот ва совғалар топширилган эди. Айтиш кераки, жангчи фахрийлар ёшларимизни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш билан боғлиқ жараёнларда ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳарбий атташеси Сергей Чернишев томонидан икки ўзбек ҳарбий фахрийсига «Жанговар хизматлари учун» ва «Жасурилик учун»

медаллари топширилган ҳам муҳим воқеа бўлди. Эътиборли жиҳати, фахрийлар бу мукофотларга 28 йил аввал сазовор бўлган.

«Veteran» бирлашмаси раиси Талъат Муродов ўзбек ва рус халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссаси учун Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин фармонида мувофиқ «Дружба» ордени билан тақдирланган.

Бирлашма ҳузурида ташкил этилган «Vatanparvar fidoyilar» ташкилоти ҳам самарали фаолият юритиб келяпти.

Ҳамкорликда ўтказилаётган тадбирларда уруш ва меҳнат фахрийларига тиббиёт компаниялари, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва бошқа хайрихоҳ ташкилотлар томонидан эсдалик совғалари топшириб келинапти.

Ўз мухбиримиз.

ЭЪЛОН

«TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI»

масъулияти чекланган жамияти

2018 йил 18 январь куни очик
аукцион савдоларини ўткази

Савдоларга Тошкент шаҳар, Фурқат кўчаси, 10-ўйда жойлашган «UZPAYNET» масъулияти чекланган жамиятининг 2007 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 01/469 RAA, бошлангич нархи 16 999 310 сўм ҳамда 2006 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 01/470 RAA, бошлангич нархи 16 018 710 сўм бўлган «Матиз» русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Аукцион савдолари соат 10-00да бошланади. Буюртма қабул қилиш савдо кунидан аввалги иш кунидан соат 18-00 да тўхтатилади. Савдоларда қатнашиш учун закатал тўғрисидаги қелишувга мувофиқ автотранспорт воситаси бошлангич нархининг камида 20 фоизи миқдорда закатал пули «Toshkent kim oshdi savdolari» МЧЖнинг АТИБ «Ипотечка-банк» Шайхонтохур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302088054, 2020800000-4932833001 ҳисоб рақамига тўланади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунидан сотилмаган тақдирда наватбадги ҳафталарнинг пайшанба кунлари ўтказиладиган савдоларга тақдоран қўйилади. Савдо қолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закатал миқдори солиштирилиш шартининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда еттишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юқлатилади.

Талабгорлар белгиланган муддатларда аукцион савдоларида қатнашиш учун буюртма икки нусхада, закатал тўлов ҳужжати нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вакил қатнашишида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, ҳуқуқий шахслар давлат рўйхатидан ўтганликлари ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, жисмоний шахслар паспорт тақдим этадилар.

Аукционда қатнашиш тартиби ва талаблари тўғрисида қўшимча маълумотлар кўрсатилган манзилдан олиниши мумкин. Буюртмалар аукцион ўтказиладиган кун йўдаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Анҳор бўйи кўчаси, 18-уй.

Алоқа телефони (+998 95) 143-69-97 электрон почта tkos-mail@inbox.ru

Гувоҳнома № 005414-05


Навоий вилоятидаги

«Континент-Н ёғ-мой»



масъулияти чекланган
жамияти жамоаси:

— Ҳамюртларимизни
ЯНГИ ЙИЛ байрами билан
муборакбод этамиз!



Маҳсулотлар сертификатланган.

АО «Ўзбекистон почтаси»

объявляет конкурс на поставку бланков
используемых в процессе оказания
почтовых услуг и капитальный ремонт
двигателя автомашины «Эпика» с 16
декабря до 26 декабря текущего года.

1. Бланки используемые в процессе оказания почтовых услуг.

№	Наименование бланков	Кол-во (шт)	Бумага 55 гр/м2	Формат
1	ШОР-4	200 000	газетный	A-5 1+1
2	Ш114Е	200 000	газетный	A-5 1+0
3	Тетрадь 47 (30)	10 000	газетный	1/2 A-4 1+1(9 листов)
4	Тетрадь 47 (100)	20 000	газетный	1/2 A-4 1+0(30 листов)
5	Тетрадь 8 (36)	10 000	газетный	1/2 A-4 1+1(18 листов)
6	Тетрадь 3 (90)	15 000	газетный	1/2 A-4 1+1(36 листов)
7	Тетрадь 130 дневник (дафтар 130 кундалик)	18 000	газетный	A-4 1+1(12 листов)
8	Тетрадь 130 приложений	18 000	газетный	A-4 1+0(8 листов)

Согласно с ТSh 45-006:2005

2. Капитальный ремонт двигателя автомашины «Эпика», 2010 года выпуска, автомат коробки передач, 2,5 литр объем двигателя, пробег 240 000 км. (согласно дефектному акту).

Для участия в конкурсе, участники должны представить следующие докумен-
ты:

1. Ксерокопию свидетельства о государственной регистрации.
2. Ксерокопию паспорта руководителя организации.
3. Письменное коммерческое предложение.

Коммерческие предложения направлять на e-mail: b.djuraev@post.uz или p.ahragov@post.uz в период с 16 декабря до 26 декабря 2017 года. Контактный телефон: (0371) 236-72-96 или +99891 162-22-37, +99899 844-34-10.



«БЎСТОН ОЛАМИ»
масъулияти чекланган
жамияти жамоаси

халқимизни кириб келаётган

ЯНГИ — 2018 ЙИЛ
билан қутлаб, ҳар бир оилга эзу
пилакларини изҳор этади.



ЕМММ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

«ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ»
ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни
ЯНГИ — 2018 ЙИЛ
БИЛАН ТАБРИКЛАЙДИ!

Фурсатдан фойдаланиб, радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича Электромагнит мослашув маркази ва унинг вилоят бўлинмаларига мурожаат этиш лозимлигини эслатиб ўтамиз.

Бизнинг манзиллар:

Тошкент шаҳри,	Нукус кўчаси, 22-уй, блок «В», телефон: 202-61-71, 230-61-13.	Наманган шаҳри,	Марғилон кўчаси, 8-«А» уй, 2-корпус, 54-хона, телефон: 230-64-72.
Андижон шаҳри,	Чўлпон шоҳ кўчаси, 5-уй, 49-хона, телефон: 230-64-65.	Самарқанд тумани,	Ўрташиқ қишлоғи, Радио шаҳарча, тел: 230-64-80.
Бухоро шаҳри,	академик И. Мўминов кўчаси, 2-уй, телефон: 230-64-66.	Термиз шаҳри,	Ат-Термизий кўчаси, 28-уй, телефон: 230-64-79.
Жиззах шаҳри,	Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси, АТС-4 биноси, телефон: 230-64-68.	Гулистон шаҳри,	Мустақиллик кўчаси, 54-уй, телефон: 230-64-67.
Нукус шаҳри,	Ерназар Алақоз кўчаси, ШАТС биноси, телефон: 230-64-75.	Фарғона шаҳри,	Алишер Навоий кўчаси, 37-«Г» уй, 36-хона, телефон: 230-64-74.
Қарши шаҳри,	2-микрорайон, 43-уй, 62-хона, телефон: 230-64-78.	Урганч шаҳри,	Ал-Хоразмий кўчаси, 108-уй, 23-хона телефон: 230-64-77.
Навоний шаҳри,	Амир Темури кўчаси, 4-уй, 802-хона, телефон: 230-64-69.		

«XORAZM HUDUDIY ELEKTR Tarmoqlari»
АЖ ЖАМОАСИ

касбдошлар ва юртдошларимизни яқинлашиб келаётган
Янги йил билан қизгин қутлайди!



2018

2018 йилда юртимиз равнақи ҳамда халқимиз фаровонлиги
йўлидаги ишларингизда омад ва куч-ғайрат тилайди!

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ тизимидаги

«14-SON RELS PAYVANDLASH POEZDI
UNITAR KORKONASI» JAMOASI:



— Янги — 2018 йил қутлуғ бўлсин,
азиз юртдошлар!

Тилагимиз — мафтункор диёримиз
бундан-да обод ва фаровон
бўлаверсин!



«УРТАНЧ ШАРОБ»

АЖ жамоаси



барча юртдошларимизни

ЯНГИ ЙИЛ

билан муборакбод этади.


2018 йил дастурхонимизга
қут-барака, оиламизга шоду
хуррамлик, ишларимизга
омад олиб келсин!



«БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА
ИШЛАШ ЗАВОДИ»

масъулияти чекланган жамияти жамоаси:

— Азиз Ватандошларимизни Янги — 2018
йил билан муборакбод этамиз!



Янги йил сизларга бахт-иқбол, хонадонингизга
янада кўпроқ файз-барака, хотиржамлик ва
фаровонлик олиб келишини тилаймиз!

2018

MUASSIS:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Saidkamol XODJAYEV

Muslihiddin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 233-38-55, 233-47-80

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1238

8882

nusxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 00:00

Topshirilgan vaqti — 03:00

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Toshtemir XUDOYQULOV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 5